2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

# Qishloq hayoti

№ 41 (9152)-son
2021-yil 30-sentabr, payshanba

@Qishloqhayoti_gazetasi

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

**Муҳтарам устоз ва мураббийлар!**
**Қадрли фахрийлар!**

Аввало, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасининг барча жонкуяр ходимларини умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда сиз, заҳматкаш устозларга кўнглимизда, юрагимизда бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларни сўз билан тўлиқ ифода этиш қийин, албатта. Чунки сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган улуғ инсонларсиз. **Бу улкан бойлик – ақл-заковат ва илм, бу ўлмас мерос – яхши тарбиядир**. Шу боис бугун сизларнинг шаънингизга билдираётган олижаноб истакларимиз, таъзим ва ташаккурларимизни бутун эл-юртимизнинг чексиз ҳурмат ва эҳтироми рамзи сифатида қабул этгайсиз.

**Азиз юртдошлар!**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда.

Биз бу жараёнда инсон капиталига эътиборни янада кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш борасида муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги қамров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди.

Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунга келиб математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология бўйича 87 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий таълим соҳасида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Охирги беш йилда чет эллардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 144 тага етказилгани, қамров даражаси 3 карра ортиб, 9 фоиздан 28 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети дастлабки талабаларни ўз бағрига қабул қилди.

Бундай янгиланиш жараёнларида устоз-мураббийларимизнинг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти тубдан ўзгариб, уларнинг доимий изланиб, янгиликка интилиб яшаётгани, илғор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Бугунги шиддатли замон олдимизга қандай мураккаб вазифаларни қўяётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Уларни ҳал этиш ва эзгу мақсадларимизга етиш, дунё миқёсида рақобатбардош бўлиш учун халқимизни, аввaламбор, ёшларимизни илм-фан, маърифат ва маънавият, тараққиёт ютуқлари билан қуроллантиришимиз керак.

Айни шу мақсадда таълим мазмунини тўлиқ янгилаш учун мамлакатимиз олимлари, тажрибали педагоглар ва хорижий экспертларни кенг жалб қилган ҳолда, Миллий ўқув дастури яратилиб, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

Замонавий дарсликларни яратиш бўйича дастлабки натижаларга эришилиб, жорий йилда илк бор бир миллиондан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларимиз янги дарсликлар бўйича таълим олмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, олийгоҳларимизни таълим ва илм-фаннинг йирик марказларига айлантириш бўйича бошлаган катта ишларимизни жадал давом эттиришимиз лозим.

Таълим соҳасининг яна бир муҳим вазифаси – фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини қатъий ҳимоя қила оладиган, замонавий, кенг фикрлайдиган ёшлар авлодини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли **Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари концепцияси**ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш объектив заруратга айланмоқда, деб ўйлайман.

**Ҳурматли устоз ва мураббийлар!**

Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлиларни бугун биз интилаётган **Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни деб эътироф этмоқдамиз.** Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини ошириш, хусусан, муаллим ва устозларнинг қадри, шаъни ва ғурурини тиклаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни албатта янги поғонага кўтарамиз.

Сиз, азизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, эзгу фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, муҳтарам устозлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

## МДҲ ДАВЛАТЛАРАРО ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 29 сентябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев билан учрашув ўтказди.**

Таъкидлаш керак, Сергей Лебедев 29-30 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилаётган "Ўзбекистон: Иқтисодий ислоҳотлар сарҳисоби ва истиқболи" халқаро анжуманида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган.

Юқори даражали учрашувда томонлар МДҲ доирасидаги ҳамкорлик ҳамда халқаро кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилди. Шу ўринда бўлажак кўп қиррали тадбирлар жадвали кўриб чиқилди.

Қолаверса, аъзо давлатлар ўртасида қатор соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳим экани қайд этилди.

– Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро тўғридан-тўғри мулоқотни ривожлантириш, ўзаро фикр алмашиш ва долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилиш учун кенг имконият яратмоқда, – дея таъкидлади ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов.

Шунингдек, МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг бўлажак йиғилишига тайёргарлик жараёни юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МАМЛАКАТИМИЗДА МДҲ САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДҲ) Ижроия қўмитаси раиси биринчи ўринбосари Леонид Анфимов бошчилигида МДҲ сайловларни кузатиш миссиясининг узоқ муддатли кузатувчилари мамлакатимизга ташриф буюрди.**

Марказий сайлов комиссиясида Кузатувчилар миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев меҳмонларни сайлов кампанияси билан таништириб, сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Сайлов кодексига мувофиқ очиқ ва ошкора ўтказилаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, айни дамда Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёни бошлангани, сайловолди ташвиқотини олиб бориш ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар яратилганлиги қайд этилди.

– Олдинги сайловлардан фарқли ўлароқ, биз бу йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликни 2021 йил 23 июль – сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинганидан анча олдин, яъни йил бошидан бошлаган эдик ва сайловни 2021 йил 24 октябрга белгиладик. Албатта, бу йилги сайловларни юқори савияда ўтказишда 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларидан орттирган тажрибамизга ҳам таяндик, – деди З.Низомхўжаев.

Леонид Анфимовнинг қайд этишича, МДҲ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида миссиянинг штаби иш бошлади.

Миссия ўз фаолияти давомида сайлов жараёни бориши ҳақида материалларни тўплаш ва таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва телевизион дастурлар ҳамда босма оммавий ахборот воситаларида чиқаётган сайловга оид материалларни мониторинг қилиш, номзодларнинг сайлов штабларида учрашувлар ўтказиш билан шуғулланади.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, Марказий сайлов комиссияси шу кунга қадар 112 нафар халқаро кузатувчини рўйхатдан ўтказди.

Учрашувдан сўнг Л.Анфимов оммавий ахборот воситалари вакилларига миссия фаолияти юзасидан мурожаат қилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Нўъмон ота яратган олам

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

"Гулчи Абдураҳмонов Нўъмонжон" МЧЖ раҳбари Нўъмонжон ота Андижон туманининг Оғуллиқ маҳалласидан. У гулчилик фаолиятини бундан 20 йил олдин бошлаган эди. Бугунга келиб тропик ўлкаларда ўсувчи гул навларининг 10 дан ортиғини маҳаллийлаштиришга эришди. У дастлаб Хитойнинг Гуанчжоу шаҳридан турли хилдаги гул уруғларини олиб келиб, маҳаллийлаштирган.



Ҳозирда 11 нафар ҳамқишлоқларини иш билан таъминлаган тадбиркор фаолиятини янад кенгайтиришни мақсад қилган. Шу мақсадда нафақат гуллар балки, тропик иқлимда ўсувчи цитрус меваларни ҳам маҳаллийлаштириб, бизнинг иқлимга мослаштирди. Ҳозирда ўз хонадонида киви, банан, ананас, мандарин, лимон, апельсин ва бошқа меваларни водий иқлими шароитига мослаштириб парваришламоқда. Лавҳамиз қаҳрамони ёши улуғ бўлишига қарамай ҳозир ҳам меҳнатдан сира толмайди.

Ойша ЁҚУБОВА

*1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни*

## РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИНИНГ БИР ГУРУҲ УСТОЗЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Тонгги қўнғироқ овози ва шовқин-сурон билан бошланувчи мактаб, кўзларида ғайрат-шижоат чақнаб турган ўқувчилар бу – ўқитувчининг ҳаёти. Мамлакатимизда бу хокисор ва камтарин касб эгалари захматли меҳнатлари натижасида доимо эъзозда, эътирофда.**

Юртимизда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг миқёсда нишонланади. Шу муносабат билан Миллий ўқув дастури ва унинг асосида янги авлод дарсликларини яратишда қатнашган муаллифлар жамоаси, бир гуруҳ амалиётчи ўқитувчилар, халқ таълими тизими ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Республика таълим маркази ходимлари муносиб тақдирланди.

Тадбир иштирокчиларининг 43 нафарига ташаккурнома, 49 нафарига "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони, 18 нафарига "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишони ва эсдалик совғалар топширилди.

Таълимдаги янгиликларни бўлажак педагогларга етказишда жонбозлик кўрсатаётган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори Алишер Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбари Улуғбек Ташкенбаев "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Сўнгги йилларда таълим тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларга сифатли билим бериш, ўқув дарсликларини замонавийлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бизнинг таълим марказимиз томонидан яратилаётган янги ўқув дарсликлари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берган ҳолда, ўқувчиларнинг билимини ошириш, дунёқарашини ривожлантириш, оғзаки нутқини шакллантиришга хизмат қилади. Бугун мен тақдирланганлар орасида эканимдан жуда хурсандман, – дейди "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳибаси Моҳира Нуруллаева.

Шунингдек, Миллий ўқув дастури ва дарсликларнинг яратилишида ўз тавсияларини аямаган халқаро экспертлар: ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Таълим бўлими раҳбари Дипа Шанкар ва Таълим масалалари бўйича ЮНИСЕФ маслаҳатчиси Яна Чичерина, Табиий фан дарсликларини яратиш бўйича 20 йилдан ортиқ халқаро тажрибага эга ЮНИСЕФ консультанти Филиппа Гардон, математикани ўқитиш бўйича 20 йиллик халқаро тажрибага эга ЮНИСЕФ эксперти Марселло Старикофф ҳам "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

**Файзулло ЯҲЁЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БУЛУНҒУР СУВ ОМБОРИ:
## УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАНБАИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

**Барчамизга маълумки, нафақат мамлакатимизда, балки бутун ер юзида мавжуд сув ресурслари ундан ҳар қачонгидан-да тежаб-тергаб фойдаланишимиз зарурлигини тақозо қилмоқда. Ҳаётимиз манбаи бўлган сувнинг бугун ҳар қатраси олтиндан-да қиммат бўлиб бораётгани ҳам барчамизга аён.**

Ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоб бўлгани каби, бу бебаҳо неъматнинг ҳам ўлчови, миқдори бор. Баъзан кўча-куйда, хонадонларда ичимлик сувининг беҳуда оқиб турганига гувоҳ бўламиз. Айрим фермер хўжаликлари далаларида сув экин майдонларидан тошиб, ариқ, зовурларга оқиб ётади. Шунда беихтиёр бот-бот айтилган гап хаёлга келади: оқизиб қўйма бекор, бунда келажак авлодларнинг ҳам ҳаққи бор! Ҳа, албатта обиҳаётдан қанчалик унумли, тежамкорлик билан фойдалансак нафақат ўзимиз, балки келажак авлодларимиз учун ҳам катта яхшилик қилган бўламиз.



» 2

# БУЛУНҒУР СУВ ОМБОРИ: УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАНБАИ

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимиз шароитида мавжуд сув ресурсларини оқилона бошқариш, обиҳаётдан тўғри ва унумли фойдаланишда сув омборларининг аҳамияти беқиёс. Бугун Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги “Олмазор” МФЙ ҳудудида ана шундай улкан сув иншоотларидан бирини барпо қилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг бошида, Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Булунғур сув омборини қуриш ташаббусини илгари сурган эди. Шундан келиб чиқиб, Зарафшон дарёси сув ресурсларидан фойдаланиш ва Самарқанд вилоятидаги суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд вилоятида Булунғур сув омборини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан, мазкур объектда “Самарқандсувқурилишинвест” ДУК буюртмачи, “ЎзГИП” МЧЖ бош лойиҳачи, “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмасига қарашли “Зарафшонмахсуссувқурилиш” МЧЖ бош пудратчи этиб белгиланди.



Булунғур сув омборининг сув сиғими 100 миллион метр кубга мўлжалланган бўлиб, Зарафшон дарёси ҳавзаси учун муҳим стратегик аҳамиятга эга иншоот ҳисобланади. Дамба узунлиги 9,2 километрни ташкил этадиган ушбу иншоот ишга туширилгач, Булунғур, Жомбой, Пайариқ туманларидаги 35 минг 800 гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланиши, шунингдек, 5000 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш орқали янги ерларни ўзлаштириш имконияти яратилади.

**БУЛУНҒУР СУВ ОМБОРИНИНГ СУВ СИҒИМИ 100 МИЛЛИОН МЕТР КУБГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.**

Сув омбори, унинг қурилиш жараёнларини муфассал баён этишимиз учун албатта рақамларга мурожаат қиламиз. Рақамлардан кўп нарса англашилади. Қурилиш ишлари бошланганидан то жорий йилнинг биринчи сентябрига қадар жами 250,323 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Энг муҳими, давлат аҳамиятидаги ушбу йирик иншоотни барпо этиш ишлари илм-фан ютуқлари, кўп йиллик тажрибаларга таянилган ҳолда олиб борилмоқда.

Сардоба сув омборида рўй берган техноген офат бутун халқимиз учун оғир синов бўлди. Унинг келиб чиқиш сабабларию, оқибатларидан барчамиз бохабармиз. Сув омборлари хусусида гап кетса, беихтиёр шу фожиа ёдимизга келади. Булунғур сув омбори қурилишидаги қизғин иш жараёнлари билан яқиндан танишиш чоғида ҳам шундай бўлди. “Зарафшонмахсуссувқурилиш” масъулияти чекланган жамияти директори Зоҳид Усмоновга эзгу умидлар, пок ниятлар ила бунёд этилаётган ушбу сув омборининг нечоғлик мустаҳкамлиги, Сардоба сув омборидан фарқли жиҳатлари, сабоқлар ва ҳокоза саволлар билан юзландик.



– Албатта, бу барчамиз учун катта сабоқ бўлди, – дейди Зоҳид Усмонов. – Ундан барча бирдек тегишли хулоса чиқарди. Дунё тажрибасига, мамлакатимиз ирригация соҳасининг етук олимларининг тажрибаларига таянилган ҳолда ишлар пишиқ-пухта ташкил этилди. Сув омбори бош қиялик қисмининг қурилишида харсанг тошлар ўрнига замонавий композит арматурали бетон қопламалардан фойдаланилмоқда.

Узоқни кўзлаб, шу атрофдаги аҳоли фаровонлигини ўйлаб барпо этилаётган ушбу сув омбори қурилишига соҳанинг етук мутахассислари жалб этилган. Жами 177 та замонавий техника кучидан унумли фойдаланилмоқда. Ишчилар учун муносиб иш шароитлари яратилган.

– Албатта, меҳнатга яраша муносиб рағбат бўлсагина ишда унум бўлади, – дейди сув омбори қурилиши объекти бошлиғи Ғайрат Юсупов. – Ишчиларимизнинг ўртача ойлик-маоши 3-3,5 миллион сўмни ташкил қилади. Иш ўн беш кунлик бўлиб, ишчиларга керакли шарт-шароитлар яратиб берилган. Қулай ва шинам ётоқхона мавжуд, 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Энг муҳими, жамоамизда бирдамлик бор. Барчамиз аҳилу ҳамжиҳатликда ўз олдимизга қўйган мақсад сари интилишда давом этаяпмиз.

Ҳа, бугун ишлар қизғин бораётган ушбу улкан қурилиш майдонида ҳадемай, Янги Ўзбекистоннинг янги бир ютуғи сифатида Булунғур сув омбори ишга туширилади. Бу эса кўплаб имкониятларга эшик очади. Шу атрофдаги аҳолининг сув билан боғлиқ муаммоларига барҳам берилади. Томорқалар, экин майдонлари бундан-да яшнайди, янги мевазор боғ-роғлар, гулзору бўстонлар юзага келади. Ана шунда сув келтирганлар яна бир бор элда азиз бўладилар.

**УШБУ УЛКАН ИНШООТ ИШГА ТУШИРИЛГАЧ, 35 МИНГ 800 ГЕКТАР СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНИШИ, ШУНИНГДЕК, 5000 ГЕКТАР МАЙДОНДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛАДИ.**

**Раимқул СУЯРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**





**Энг шарафли ва масъулиятли касб эгалари бўлган азиз устозларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан муборакбод этамиз.**

*Қалбларингиздан шоду хуррамлик, хонадонларингиздан файзу барака аримасин. Ҳаётингиз қувончли лаҳзаларга бой бўлиб, ҳамиша юзингиздан меҳр, сўзингиздан билим нури ёғилиб турсин. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ёш авлод камолоти йўлидаги эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Машаққатли меҳнатларингиз маҳсули – шогирдларингиз камолини кўриш, ютуқларидан фахрланиш Сиз, азизларга насиб этсин!*

**“ЗАРАФШОНМАХСУССУВҚУРИЛИШ”**

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



**Италиялик фермерлар Тоскандаги қовоқ фестивалида оғирлиги 1226 килограмм келадиган дунёдаги энг йирик сабзавотни тақдим этишди.**

## Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш белгиланган

**Кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш тадбири камида ҳар ўн йилда бир маротаба ташкиллаштирилиши анаънага айланган. Республикамизда ҳам энди ана шундай муҳим жараён йўлга қўйилади.**

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилиши белгиланган.

Атиш жоизки, синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш 2021 йилнинг 1-25 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрининг Яшнобод, Андижон вилоятининг Хўжаобод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманлари ва Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида синов ўтказилиши белгиланган.

Мазкур ишлар учун Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида 472 нафар рўйхатга олувчилар ҳудудий комиссиялар томонидан танлаб олинди.

Маҳаллаларда аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва назорат қилишга мўлжалланган 19 та рўйхатга олиш участкаси, шунингдек, ҳар 5 нафар рўйхатга олувчи ишини назорат қилиб борувчи 94 та инструкторлик участкаси ташкил этилди.

Рўйхатга олиш жараёнига 698 нафар ходим жалб этилди.

Аҳолини рўйхатга олиш ҳар бир фуқаро учун муҳим, чунки у давлатнинг келажакда ривожланишини белгилайди.

**Камол ЖАМОЛОВ,**
*Тошкент шаҳар статистика бошқармаси 1-тоифали мутахассиси.*

## Барчаси бепарволикдан келиб чиқади

***Ҳеч ким фарзандининг ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулкдан ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир.***

Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам оловдан тўғри фойдаланишни билавермайди. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун биз, ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

**Рафаэль ДАВЛЯЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносида ЁХТТЭ 1-бўлинмаси Ёнғин назорати ва профилактикаси бўйича инспектори, майор.*

*Қутлов*

*1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муборак бўлсин!*

**“ПОПМАХСУССУВПУДРАТ”**

**масъулияти чекланган жамияти жамоаси**

*барчамиз учун қадрли, ардоқли устозларни, маърифат жонкуярларини касб байрамлари муносабати билан чин қалбдан табриклайди ва барча эзгу тилакларини изҳор этади. Машаққатли ва шарафли ишларингизда доимо омад ёр бўлсин!*

***Ҳамиша шогирдларингиз ҳурмат-иззатида, эл эъзозида бўлиш насиб этсин, АЗИЗ УСТОЗЛАР!***



**Сув хўжалиги соҳасининг билимдони эди**

*Ҳазрати инсонлар*

# "Мен ўлсам, онамнинг бағрига қўйинг..."

*Ибратли ҳаёти ва одамийлик хислатлари билан ном қолдирган Комил ота Амировнинг ёрқин хотирасига бағишланади.*

**Косоннинг Ушоқтепа қишлоғида муаллим Амир Диёр ва Зиёданинг тўйи бўлди. 1942 йил бошларида Амир Диёр ҳам кўнгилли бўлиб урушга отланганида Зиёда келин фарзандига ҳомиладор эди. Қадари тақдирида отаси урушда шаҳид кетиши-ю, муштипар онаси билан етимликда ўсиб ва келажакда улкан гидротехник иншоотлари қуриб, инсонийлик хислатлари билан эл-юрт корига ярайдиган, улуғвор ишлар қиладиган ўғил дунёга келди.**

Уруш урушлигини қилди. Зиёданинг барча орзу-умидлари фронтда дом дараксиз кетган эри билан қора ерга кўмилди. У матонат кўрсатди, ҳаммасига бардош берди. Уруш ва ундан кейинги инсон ақли бовар қилмайдиган машаққатлару қаҳатчиликлар аёл матонатини бука олмади. Зиёда турмуш ўртоғига содиқ қолди. Барча умидини ёлғизгина Комил ўғлидан кутди. Уни оқ ювиб, оқ таради. Комил ўғлини комил инсон қилай деб Яратгандан сўради. Ниятига етди. Ўн тўққиз ёшида бева қолган келинчакнинг бошидан не мусибатлар ўтганини ёлғиз ўзию, Аллоҳ билади.

Орадан йиллар ўтди. Зиёда момонинг ёлғиз фарзанди Комил Амиров нафақат Қашқадарё вилоятида, балки республикамизда етук сув хўжалиги мутахассиси бўлиб етишди.

Халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Орипов шеърини ҳамюрти Зиёда момога бахшида қилган экан.

***Йигитлар мактубин битганда қондан,***

***Келинлар фироқдан чекканда оҳу,***

***Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,***

***Ўн тўққиз ёшида бева қолди у...***

Ҳа шоиримиз тили билан айтганда, шундайлар бўлмаса агар дунёда, бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл!

"Ҳазрати инсонлар" рукни остидаги хотиралар тайёрлаш режам бўйича халқ манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилиб, эл-юртда ҳурмат қозонган, элпарварлиги, ибратли ҳаёти ва одамийлик хислатлари билан ўзидан унутилмас ном қолдирган Комил Амиров ҳақида хотира ёзмоқ ниятида Қашқадарёга сафарга отландим.

Қарши темир йўл вокзалида мени Комил Амировнинг набираси Аббос кутиб олди. Юз-кўзи, гап-сўзидан самимият ёғилиб турган бу йигит билан шаҳардаги Сувчилар кўчасида жойлашган Комил ота истиқомат қилган хонадонга бордик. У йўл-йўлакай Амировлар оиласида ўтган йили юз берган қайғули воқеалардан мени хабардор қилди.

Коронавирус балоси айни авжига чиққан, карантин чоралари кескинлашган ўтган йилнинг август ойида вирусга йўлиққан Комил ота тўсатдан вафот этгани, орадан бир кун ҳам ўтмасдан аҳли аёли Хурсандой она ҳам шу дардга таслим бўлиб оламдан ўтганини ғам-қайғу билан айтиб берди.

Ҳа, ўтган йилнинг баҳори баҳордек, ёзи ёздек бўлмади. Бутун дунёга коронавирус офати хуруж қилди. Миллионлаб инсонлар шу дардга йўлиқди. Юз минглаб одамлар вирусдан бевақт вафот этди. Бу бало туфайли кимдир отасидан, кимдир онасидан, яна кимдир боласидан, кимдир ҳаммасидан жудо бўлди. Амировлар оиласи бошига ҳам мусибат устига мусибат тушди. Дилбанду-жигарларининг бағрлари қонга тўлди.

Комил ота ва Хурсандой она яшаган хонадонда бизни ўғли Баҳром ва куёви Рашид кутиб олди. Комил отанинг катта ўғли Баҳром мулоҳазали, латиф ва камтарин инсон экан. Хайрли мақсад билан келганим учун миннатдорчилик билдирди. Уй музейни эслатувчи хона деворларига энаси Зиёда момо, падари бузруквори Комил ота, волидаи муҳтарамаси Хурсандой оналарнинг ўнлаб суратлари осиб қўйилган. Расмларни Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев чизган бўлса, суратларни Пенсон каби машҳур фотосуратчилар олган. Жавондаги юзлаб китоблар орасига ҳам расм ва суратлар териб қўйилган.

– Ҳам отадан, ҳам онадан бир вақтда айрилиш мусибатини ҳеч кимнинг бошига солмасин, – дея ғамгин сўзлайди куёви Рашид Тошев. – Қайнотам раҳматли бу дунёдан кўп инсонларга яхшилик қилиб ўтди.

Дуои фотиҳадан сўнг уларга Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг "Аллоҳ агар бир мусулмоннинг жисмига дард берса, хасталик муддатида соғлиқ пайтидаги қилган ибодатларининг савоби ёзилиб бораверади. Агар хасталик пайтида руҳини қабз этса, унинг барча гуноҳларини авф этиб, жаннатга дохил қилур" деган ҳадисини айтиб, уларга таскин бердим.

– Отам сув хўжалиги соҳасининг билимдони эди, – дея эслайди Баҳром. – Биз, фарзандларига, набираларига ҳам шу соҳа илмини ўрганишимиз учун барча шароитни яратиб берган эди. Саховати шу қадар кучли эдики, қаерда, қайси лавозимда ишламасин қўл остидагиларга меҳр-шафқат, мурувват кўрсатарди. Тасодифан учрашиб қолсам ҳам, одамлар отамдан кўрган яхшиликларини, меҳрибончиликларини эслашади. Хонадонимизга зориқиб келган эҳтиёжманд кишиларга ҳам моддиян, ҳам маънан ёрдам берарди. Отамнинг ҳузуридан бирор киши ноумид қайтмаган. Кам ухлаб, эрта турарди. Ишдан эса жуда кеч келарди. Берган ваъдасининг устидан чиқарди. Ҳеч кимни алдамасди. Бола бўлиб отамизга эркалана олмаганмиз. Отамиз бизга ҳам ота, ҳам устоз эди.

Рашид ака нафақат Қашқадарёда, балки республикада ҳам сув хўжалигининг таниқли мутахассисларидан бири машҳур Хурсанд ота Тошевнинг ўғли экан. Хурсанд ота Тошев ўзининг "Ирригация умрим мазмуни" китобида Комил Амировни қишлоқдошлари "тоғимиз", "чинормиз", дея фахрланадиган худди шундай фарзандларидан биридир. Умуман, у қаерда, қайси лавозимда ишламасин, энг аввало ғоятда одамийлиги билан ҳурмат топди, етук мутахассислиги билан муваффақият қозонди, дея таърифлаган.

Комил Амиров ва Хурсанд Тошевлар бирга ишлаб, дўст-қадрдон бўлиб, яхши ниятлар билан қуда-андачилик ришталарини боғлашган экан. Комил отанинг қизи Зебони Хурсанд ота ўғлига келин қилган. Рашид аканинг зиёли ва маданиятли инсон эканлиги унинг гап-сўзларидан, муносиб ҳаракатларидан сезилиб турибди.

– Оталаримиз сув хўжалиги соҳасининг билимдонлари бўлган, – дея сўз бошлайди Рашид Тошев. – Улар адолатли раҳбар деган ном чиқаришган. Мен ҳам шу соҳада ишлаганим боис, доимо уларнинг маслаҳатлари билан фаолият олиб бориб, обрў-эътибор топдим. Мен Комил отам ва Хурсандой онамга куёв эмас ўғилдек бўлиб қолгандим.

Комил отанинг қизи Зебонинг дардли сўзларини тинглаб, жуда таъсирландим.

– Ота-онамни эслаш мен учун жуда оғир, – дейди Зебо. – Отам ҳам, онам ҳам меҳр-муҳаббатли, сабр-тоқатли ва ўта саховатли инсонлар эди. Икковлари ҳам етимликда катта бўлгани боис, меҳрибонларидан айрилган бечораларнинг дардларига малҳам бўларди. Меҳридарё онажонимнинг рўзғор тутишига ҳамма ҳавас қиларди. Аёл учун зарур бўлган ҳамма касбни мукаммал биларди. Отам билан узоқ йиллар бирга ёнма-ён ишладим. Отамдек интизомли раҳбарни ҳеч учратмадим. Оилани оила қиладиган ҳам аёл экан. Онам мўмина аёл эди, бизларни яхши тарбия қилди. Ота-онамизнинг ҳаёт мактабидан ахлоқ-одобни ўргандик. Олий маълумотли бўлдик.

Зиёли оилада ўсиш ҳам бир бахт. Отам ҳам, онам ҳам кўп китоб ўқирди. Ёшлари етмишдан ошганида ҳам уларнинг қўлидан китоб, газета-журналлар тушмади. Онам кутубхончи бўлган. Умри китоблар ичида ўтган. Ҳаётининг ўзи бир китоб. Икковлари ҳам жуда хушчақчақ ва очиқ чеҳрали эди. Кези келганда ривоятлару латифалар айтиб одамлар қалбига қувонч улашарди. Икковлари ҳам ҳаётларидан ҳеч қачон нолишмай ўтдилар. Илоҳо меҳрибонларимнинг жойлари жаннатда бўлсин, бизлардан рози бўлсин!

Биз Рашид Тошев ҳамроҳлигида Шодмон ака Эронқулов билан Ҳисорак сув омборига бордик.

– Хисорак сув омбори қурилишига илк тошни Шароф ота Рашидов қўйган эди, – дея эслайди Шодмон ака. – Шароф ота Рашидов ўша куни Комил Амировни сув омбори қурилишига раҳбар этиб тайинлади. Шу давргача мураккаб гидроиншоот қурилишидаги бундай масъулиятли лавозимга маҳаллий миллат вакили раҳбар этиб тайинланмаган эди. Ўттиз тўрт ёшли ўзбек мутахассиси Комил Амиров зиммасига том маънода соҳада инқилоб қилиш юклатилган эди. Тоғ шароитида бағрига 170 миллион метр куб сув сиғадиган омбор қурилишини аср иншооти десак бўлаверади. Ҳисорак сув омбори қурилиши ҳақида хужжатли кинофильмлар яратилган, китоблар ёзилган.

Шаҳрисабзнинг Мираки қишлоғи этагида жойлашган "Ҳисорак" сув омборига Ҳисор тоғ тизмаларидаги музликлар, қорлару тошлар орасидан сизиб чиқадиган мўъжизавий булоқ сувлари Оқсув дарёси орқали келиб қуйилади. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам Оқсувнинг зилол сувларидан ичган.

Ҳамроҳларимга бундан ўттиз бир йил аввал "Совет Ўзбекистони" газетасидан Қашқадарёга хизмат сафари билан борганимда Шаҳрисабзлик қадрдонимиз Кураш Саидов Оқсув этакларига саёҳатга олиб борганини айтиб бердим. Қирғоқлари билан лиммо-лим тўлиб оқадиган Оқсувнинг баданни жунжиктирадиган муздек сувларидан хўплаб-хўплаганмиз, юз-кўзларимизни ювиб, танамизни яйратганмиз. Мунаввар қишлоғида пиширилган тандир гўштининг таъми оғзимизда қолган.

Ҳисорак сув омборидан фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси Ўктам Умаров бизни диспетчерлик хизмати, музей ва атрофдаги боғ-роғларнинг яратилиши тарихи билан таништирди. Ушбу ноёб гидроиншоот, ундаги ўша даврнинг замонавий ўрнатилган асбоб-ускуналари, тоғ ичидан ўтувчи тоннелли сув чиқариш ҳамда фавқулодда сув ташлаш иншоотлари Комил аканинг ақл-заковати, муҳандислик қобилияти туфайли бунёд этилганини алоҳида таъкидлади.

Айниқса, шундай ноёб иншоотнинг қурилишида қатнашган ва узоқ йиллар самарали фойдаланилишида раҳбарлик қилган Турсун ака Муродов билан суҳбатимиз мароқли бўлди.

– Устозимиз Комил Амиров ширинсўз, меҳнатига яраша яхши маош тўлаш билан одамлар кўнглига йўл топарди, одамларни қандай ғайратлантиришни биларди, – дейди Турсун ака. – Унинг ижодкор дўстлари жудаям кўп эди. Ҳисоракда Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Муҳаммад Юсуф каби адибларнинг излари қолган. Абдулла ака Орипов Ҳисорак табиатини жуда яхши кўрар эди. 1988 йили Одил Ёқубов бу гўшага келганида тоғ қояларидан қушнинг ёқимли сайроғи янграб қолди. Одил ака бу қушни тоғ булбули деб атаган эди. Комил ака Абдулла Орипов шеърларининг шайдоси эди. Юзлаб мисраларини ёддан ўқиб юрарди. Бир-бирларига бўлган дўстлик меҳри уларни янада яқинлаштирган эди. Ўғли Ғуломга шоир дўстининг қизи Зарифани келин қилди. Бугун икки дўст фарзандларидан дунёга келган зурриёдлари эл-юрт хизматида.



Тоғлар ёнбағридаги баландлиги 140 метрлик маҳобатли тўғон устига чиққанимизда Оқсаройга нигоҳимиз тушди. Беихтиёр Оқсарой пештоқига ёзилган бобомиз Амир Темурнинг "Кимки, бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган иморатларимизни келиб кўрсин", деган ҳикматини эсладим.

Ҳисорак сув омборини ёмғирли кунларда, ёзнинг жазирамасию, қишнинг изғиринли қаҳратонида кечаю кундуз қаҳрамонларча ишлаганлар ва уларнинг сардори Комил Амировга қўйилган ҳайкал каби тасаввур қилдим...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор, Комил отанинг садоқатли шогирдларидан бири Ботир Раҳимов шундай эслайди:

– Устозим Комил ака талабчан, изланувчан ва жуда ҳам камтарин инсон эди. Қурилиш лойиҳасига қатъий амал қилиб, режадаги ишларни сифатли ва ўз муддатида бажарилишига алоҳида эътибор берарди. Айниқса, қаҳратон қиш совуғида сув омборининг сув чиқариш иншоотининг бетон қуйишдек масъулиятли жараёнида совуқдан киприклари музлаган ҳолатда тургани ҳамон кўз ўнгимда. Сув хўжалигининг барча муҳим тармоқлари бўлган сув омборлари, каналлар ва насос станциялари қурилишида, улардан фойдаланишда, мелиоратив тадбирлар бажарилишида доимо жонбозлик кўрсатар эди.

Комил Амировнинг яна бир ҳамкасб шогирди, Республика сув хўжалиги аълочиси Икром Юсупов билан ҳам учрашдик.

– Комил ака мени ўзига яқин олиб, Икромхон деб чақирарди ва қувноқ инсон бўлган эди, – дейди у. – Фаолияти давомида бирор кишини ранжитганини билмайман. Кимнинг нимага қобилияти борлигига қараб топшириқ берарди. Ердан фойда олиш учун унга хизмат қилиш керак дер эди. У кучли нотиқ бўлиб, кулгу билан киши қалбини ром қилиб қўярди. Устозимиз ҳозир бўлган давраларда диллар яйраб кетарди.

Косон туманидаги 84-ўрта мактаб бир пайтлар Комил Амировнинг отаси Амир Диёров номи билан аталар эди. Чунки Амир Диёров мактаб ўқитувчиси бўлиб, шу ҳудудда ўқувчиларга сабоқ берган эди. Комил Амиров бу мактаб биносининг қурилишидан тортиб уни жиҳозлашгача ёрдамини аямаган. Уни мактаб жамоаси халқ таълими ҳомийси ва фидойиси сифатида ҳурмат билан тилга олишади. Ҳар йили баҳор ва гўзаллик байрами бўлган Наврўзи оламни шу мактабда ўқиган ҳомийлар ёрдами билан ўтказиш ҳам Комил Амировнинг ташаббуси бўлган эди.

– Мактаб қурилишининг бошидан охиригача Комил Амиров ўзи бошқош бўлган эди, – дея хотирлайди шу мактабда раҳбар бўлиб ишлаган саксон саккиз ёшли фахрий муаллим Соҳибназар Хўжаёров. – Мактабнинг ёнидаги бўш бинони замонавий мусиқа ва санъат мактабига айлантиришда ҳам у жонбозлик кўрсатди. Мактабга жуда кўп китоб совға қилган маърифатпарвар инсон эди.

Қашқадарёга сафарим чоғи Зиёда момо, Комил ота, Хурсандой оналарнинг руҳларини шод этиш мақсадида Косон туманидаги "Ҳазрати Исохон ва Ҳазрати Мусохон" қабристонига бордик. Комил Амиров умрининг сўнгги йилларида фарзандларига, агар мен ўлсам онамнинг ёнига қўйинглар, дея васият қилган экан. Отанинг васияти амалга оширилибди...

Улуғ китобларда киши вафот этганидан сўнг ҳам садақаи жория – кишиларга фойдаси тегсин, деб қилиб кетган барча ишлари, фойдаси тегсин деб қолдирилган илм, дуо қилиб турадиган солиҳ фарзандлар туфайли амали давом этаверади, деб ёзилган. Комил ота ва Хурсандой она вафот этганларидан кейин фарзандлари Шоира, Зебо, Баҳром, Ғулом, Ғафур ва Собиржон уларнинг васиятларини амалга ошириб, дўстларини ҳурмат ва икром қилиб, иккиси туфайли қарор топган қариндошлари билан алоқаларни узмай – силаи раҳим қилаётганига бир ижодкор сифатида ҳавасим келди.

Қаршидан пойтахтга қайтгач, Комил отанинг Тошкентда истиқомат қилувчи ўғли Ғафур билан учрашдим.

– Шундай ота-онанинг фарзанди бўлиб туғилганим учун Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин, –дея шукроналик келтиради ўғли. – Улар биз, фарзандларига илм олишимиз учун барча шароитларни яратиб берган эди. Бирор ишни бошлашдан аввал ёши улуғлардан дуо оларди. Ҳаммага бирдек яхшилик қиларди. Болажонларга меҳрибон эди, уларнинг тилини тез топарди. Набиралари тарбиясига катта эътибор берарди. Инсон қайси йўлни танласа, яратган шу йўлни осон қилиб берар экан. Отам раҳматли эзгулик йўлини танлагани боис, кимки ундан ёрдам сўраса ҳеч қачон йўқ демай марҳаматини аямас эди. Ҳаёти давомида бирор киши билан адоватда бўлганини эслолмайман. Ҳеч кимга ҳасад қилмайдиган, тўғрисўз, иймон-эътиқодли ота эди. Ҳеч бир ишингдан одамлар норози бўлмасин, деб такрор-такрор айтарди. Бир неча йил аввал бўлган ибратли воқеа ҳамон эсимда. Боғ қилишимиз учун Китоб туманидан каттагина майдон оладиган бўлдик. Отам раҳматли юр, ерни бир кўрайлик, деб Китобга мен билан бирга борди. Ҳокимият қарори билан бизга ажратилган майдонларда ўнлаб фермерлар деҳқончилик қилишар экан. Отамнинг фермерларни норози қилсанг, боғинг кўкармайди деган гапи билан ажратилган майдонларни топшириб юбордим.

Ғафуржоннинг турмуш ўртоғи Нилуфар ҳам қайнонаси ва қайнотасини эслаб таъсирланди: Комил отам ҳам, Хурсандой онам ҳам жуда ўқимишли, фарзанд тарбиясига эътиборли, шоиртабиатли, хушчақчақ, қуда-андачилик ришталарини маҳкам тутадиган оқибатли инсонлар эди. Уларнинг чеҳралари очиқ, юзларидан нур ёғиларди. Меҳмонни эъзозлашда уларга етадиган инсонларни кўрмадим. Қайнотам аҳли аёлига, қизу келинларига жуда ғамхўр ва меҳрибон эди. Ўғли ҳам қайнотамга ўхшаб ишнинг кўзини билади, оиламизга масъулиятли, кўнгли ҳам, қўли ҳам очиқ инсон. Худди бир-бирлари билан мусобақа қилгандай кўп китоб ўқишарди. Ҳаётларининг сўнгги ойларида уларнинг қўлларидан Қуръон тушмади...

Қуръони каримда яхши бандалар "аброр" деб аталган. Зиёда момо, Комил ота, Хурсандой онанинг барчамизга ибрат бўлгувчи ҳаёт саҳифаларини қоғозга туширар эканман, Яратган парвардигоримиз уларни аброр бандалари қаторида қабул этсин, дея дуо қилдим.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.*

*Устоз ҳақида сўз*



*Суратда: халқ таълими фидойиси Ҳ.Нуриддинов (чапда) тумандошлари билан*

# Фаолият ибрати

**Кунлик бадантарбия машқлари киши жисмини нечоғлик бақувват қилса, кунлик ўқиш-ўрганиш миянинг кучини шу даражада оширади. Бунга амал қилган Ҳусниддин ака Нуриддинов ўқиш-ўрганишдан чарчамайди. Натижада ундаги билим ва салоҳиятни кўрган раҳбарлар у кишини аввал бошданоқ эътиборга олишган эди.**

У анча йил давомида ўзи яшаётган қишлоқда болаларга сабоқ берди. Кўп ўтмай Ғузор тумани раҳбариятида тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири лавозимига, ундан кейин эса ташкилий-кадрлар масалалари бўлими мудири лавозимига тайинлашди. 1987 йилдан туман халқ халқ таълими бўлимига мудир этиб тайинланди. Шу лавозимда 18 йил фаолият юритди. Ундан кейин туман нуронийлари билан елкадош бўлди.

У таълим соҳасидаги ишларда ўта талабчанлик ва қатъийлик билан иш олиб борди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида туманда мактаблар сони 58 тани, мактабгача таълим муассасалари сони 8 тани, мактабдан ташқари таълим муассасалари сони 1 тани ташкил этган бўлса, унинг раҳбарлиги даврида мактаблар 78 тага, мактабгача таълим муссасалари сони 31 тага, мактабдан ташқари таълим муассасалари сони 3 тага етди. Бир нечта мактаб бинолари қайта таъмирланди, қўшимча синфхоналар, ўнлаб спорт заллари қурилди ва жиҳозлар билан таъминланди. Иқтидорли, истеъдодли ёшларни излаб топиш, фанларни ихтисослаштириб ва чуқурлаштириб ўқитишга катта эътибор қаратилди. Республикада илғорлар қаторида, вилоятда биринчилардан бўлиб ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг ташкил этилишига эришилди. 1992 йил Азиз Ҳайдаров номли аниқ фанларга, 1996 йилда Жаҳон тилларини ўрганишга ҳамда спортнинг футбол ва миллий кураш турларига ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ташкил этилди. Тўғри, бу ишларда давлатимизнинг бевосита раҳбарлиги ва маблағи асосий роль ўйнайди. Аммо туман таълими соҳаси раҳбари сифатида униг бош-қошлиги ҳам катта аҳмият касб этди.

Ҳусниддин Нуриддинов туманда жойлашган "Тоҳир-Зуҳра" зиёратгоҳи тарихини Республикамизнинг марказий нашрларида кўп бор ёритгач, ушбу мақолалар аҳолида катта қизиқиш уйғотиб, вилоят ва туман раҳбарлари эътиборига тушди. Мазкур зиёратгоҳ айнан шу сабаб бўлиб эътиборга тушди ва қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди. Айни пайт сайёҳлар, ёшлар учун яхшигина масканга айланди.

Ҳ. Нуриддинов ўз фаолияти давомида изланишдан тўхтамасликлари боис, ўқитувчи ва ўқувчилар учун "Кимёвий элементлар ҳақида нималарни биласиз", "Кимёвий элементлар ҳақида ҳикоялар" номли қўлланмалар ҳам яратдилар. Айни пайтда ўқитувчи ва ўқувчилар улардан фойдаланмоқда. Шунингдек, "Ғузорда таълим", "Ғузорликлар", "Ғузорнома", ғузорлик марҳум шоир Ҳусанжон Аминов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган "Мунаввар кунлар ёди" рисоласи, биология фанлари доктори, профессор Очил Мавлоновнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган "Илмнинг узун йўли" китоблари китобхонларнинг севимли китобига айланган.

Ҳусниддин ака фидокорона хизматлари учун давлатимизнинг "Шуҳрат" медали, "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан мукофотланган. Бутуниттифоқ ва Республика ўқитувчиларининг анжуманларида иштирок этган. У 75 ёшдан ошган бўлса-да ҳали ҳамон таълим соҳасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. 68-давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати кузатув кенгаши раиси сифатида шу даргоҳнинг салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**Зокир ЖУМАЕВ**

*Эълонлар*

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Докторантура (DSc) ва таянч докторантура (PhD) институтларига 2022 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича танлов эълон қилади:

**Докторантура (DSc):**
**03.00.13 - "Тупроқшунослик"** – 1 та ўрин;
**06.01.04 - "Агрокимё"** – 1 та ўрин.
**Таянч докторантура (PhD):**
**03.00.13 - "Тупроқшунослик"** – 4 та ўрин;
**06.01.04 - "Агрокимё"** – 3 та ўрин;
**06.01.03 – "Агротупроқшунослик ва агрофизика"** – 2 та ўрин.
**Мақсадли таянч докторантура (PhD):**
**03.00.13 - "Тупроқшунослик"** – 1 та ўрин;
**06.01.04 - "Агрокимё"** – 1 та ўрин.



Танлов муддати 2021 йил 15 сентябрдан 15 октябргача.

Қабул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон Қарорининг 2-иловаси "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом" асосида амалга оширилади.

Талабгорлар хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг http://phd.mininnovation.uz сайти орқали рўйхатдан ўтказишлари талаб этилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.
Телефон: (71) 246-09-50, факс: (71) 246-76-00.

Чилонзор туманида жойлашган Абу Али Ибн Сино номли тиббиёт коллежи томонидан 2014 йилда Салимова Мухлиса Умиджон қизи номига берилган NK 3517495 рақамли Диплом йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Тошкент вилояти Тошкент тумани Чиғатой 2-тор кўчаси 7-уй эгаси Умарбеков Музроб Зоирбекович номига берилган 5536 рақамли уй кадастр хужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Темир йўл муҳандислари институти қошидаги Миробод академия лицейи томонидан 2012 йилда Солиев Бекзод Икромович номига берилган L № 144016 (рўйхат рақами 133) рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-947. 2 202 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.40